

Ўзбекистон мусулмонлар идорасида журналистларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди



22:08 / 27.06.2018 3904

27 июнь куни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни муносабати билан ЎМИнинг мажлислар залида юртимизда фаолият олиб бораётган диний-маърифий интернет сайтлари мухбир ва ходимларини табриклаш маросими бўлиб ўтди.

Ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад соҳада фаолият кўрсатган журналисларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдан иборатдир.

Анжуман гўзал Қуръон тиловати билан бошланди. Аллоҳнинг каломини машҳур Нозимжон Хошимжон тахаллуси билан ижод қилувчи ёзувчимиз

Ўқиб бердилар. Тиловатдан сўнг ЎМИ раиси Усмонхон Алимов муфтий ҳазратлари дуо қилиб бердилар ва барча меҳмонларни Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни билан чин дилдан табрикладилар. Шунингдек, у киши бугунги кунда ОАВнинг ўрни ва шу соҳада фаолият олиб бораётган ходимларнинг фаолияти ҳақида ижобий фикрларини билдирдилар. Ўз навбатида журналистларнинг соҳа ривожигаги ўрни аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Дарҳақиқат, бугунги кунда журналистика касби тобора ривожланиб бораётган соҳалардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда юртимизда ҳам бу борада салмоқли ишлар амалга оширилди. Жумладан, диний-маърифий сайтлар сон ва сифати ошди. Мазкур соҳада фаолият олиб бораётган журналистлар малакаси ҳам тобора ортиб бормоқда.

Тадбирда сўзга чиққанлар томонидан ана шундай ижобий фикрлар билдирилар экан, уларга диний идора томонидан муносиб эсдалик совғалари топширилди.

Давронбек Мадияров ва Ёрқинжон Эрназаров

“Islom.uz” учун махсус тайёрлашди.